



ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА СОЛИҚ СИЁСАТИ ТАЪСИРИ

Ачилова Комила Эгамқуловна

ТДИУ мустақил изланувчиси

Orcid: <https://orcid.org/0009-0006-5272-9663>

Email: ochilovakomila96@gmail.com

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol13_iss3/771

Аннотация

Мазкур мақолада солиқ сиёсатининг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти назарий-методологик жиҳатдан тадқиқ этилган. Солиқ сиёсатининг фискал, регулятив ва стимулятив функциялари орқали инвестиция фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодиётда таркибий силжишларга эришиш ҳамда давлат бюджети даромадларини барқарор шакллантириш масалалари ёритилган. Классик, неоклассик, кейнсиан ва институционал ёндашувлар асосида солиқлар ва молиявий барқарорлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таҳлил қилинган. Ўзбекистон солиқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар мисолида солиқ юкини оптималлаштириш ва солиқ имтиёзларининг хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига таъсири илмий асослаб берилган.

Калит сўзлар: солиқ сиёсати, молиявий барқарорлик, хўжалик юритувчи субъектлар, солиқ юки, солиқ имтиёзлари, инвестиция фаолияти, давлат бюджети.

Аннотация

В статье исследуются теоретико-методологические основы налоговой политики в обеспечении финансовой устойчивости хозяйствующих субъектов. Раскрыта роль налоговой политики в стимулировании инвестиционной активности, достижении структурных сдвигов в экономике и формировании устойчивых доходов государственного бюджета. На основе классического, неоклассического, кейнсианского и институционального подходов проанализирована взаимосвязь налогов и финансовой устойчивости хозяйствующих субъектов. На примере налоговых реформ в Республике Узбекистан обосновано значение оптимизации налоговой нагрузки и налоговых льгот в укреплении финансовой устойчивости субъектов хозяйствования.

Ключевые слова: налоговая политика, финансовая устойчивость, хозяйствующие субъекты, налоговая нагрузка, налоговые льготы, инвестиционная активность, государственный бюджет.

Abstract

This article examines the theoretical and methodological foundations of tax policy in ensuring the financial stability of economic entities. The role of tax policy in stimulating investment activity, achieving structural transformations in the economy, and forming sustainable state budget revenues is analyzed. Based on classical, neoclassical, Keynesian, and institutional approaches, the relationship

between taxation and the financial stability of economic entities is explored. Using the example of tax reforms in the Republic of Uzbekistan, the importance of optimizing the tax burden and tax incentives in strengthening the financial stability of business entities is scientifically substantiated.

Keywords: tax policy, financial stability, economic entities, tax burden, tax incentives, investment activity, state budget.

Кириш

Иқтисодий ва молиявий солиқлар орқали бошқариш давлат молиявий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодий таркибий силжишларга эришиш ҳамда миллий бозор эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Иқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш миллий хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги уларнинг инвестиция салоҳияти, рақобатбардошлиги ва узоқ муддатли ривожланиш имкониятларини белгилайди. Шу боис, солиқлар нафақат давлат бюджети даромадларини шакллантиради, шу билан бирга хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи иқтисодий инструмент ҳисобланади.

Солиқлар воситасида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашга оид назарий қарашлар ҳақидаги илмий-тадқиқотлар ва назариялар кенг доирада ўрганилган. Бу соҳада солиқлар фискал, тартибга солиш, рағбатлантириш ва қайта тақсимлаш функциялари орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини шакллантириш, даромадларини ошириш ва хавфларни камайтиришда муҳим ўрин тутди. Классик ва неоклассик молия назарияларида солиқлар давлат фондларини шакллантириш ва бозор механизмларини тартибга солиш воситаси сифатида кўрилади, уларнинг оптимал даражаси субъектларнинг ликвидлиги, тўлов қобилияти ва инвестицион жозибдорлигини оширади.

Бизнинг фикримизча, солиқлар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тартибга солишнинг муҳим унсури бўлиши билан бирга, хўжалик субъектлари томонидан ўрнатилган солиқ тўловларини ўз муддатида ва миқдорларда тўлаши учун уларнинг молиявий барқарорлиги муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Назарий таҳлил

Солиқ сиёсати бир вақтнинг ўзида икки қарама-қарши, аммо ўзаро боғлиқ вазифани бажаришни назарда тутди. Хусусан:

биринчидан, давлат бюджети даромадларининг барқарор бажарилишини таъминлаш;

иккинчидан, хўжалик юритувчи субъектларни республика учун стратегик аҳамиятга эга бўлган маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга рағбатлантириш.

Солиқ сиёсати тактикаси, аввало, ички бозор эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бироқ солиқ сиёсати стратегияси фақат ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни эмас, балки иқтисодий тармоқлари ва ҳудудлари кесимида талабга мос, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантиришни ҳам кўзда тутди.

Шу боис солиқ сиёсати олдига қўйилган вазифалар бир-бирини инкор этмайди, балки параллел ва тенг аҳамиятга эга йўналишлар сифатида амалга оширилиши зарур.

Мустақил молиявий сиёсатни шакллантириш, энг аввало, бюджет тизимини мустаҳкамлаш, давлат бюджети даромадларини тўлдириш ва иқтисодий фаолликни рағбатлантирувчи изчил солиқ сиёсатини юритиш орқали таъминланади. Давлат бюджети таркиби мамлакатнинг давлат тузилишига боғлиқ бўлиб, унитар давлатларда бюджет тизими, одатда, республика бюджети ва маҳаллий бюджетлардан иборат икки қаватли шаклда ташкил этилади. Федератив давлатларда эса оралиқ бўғинлар — штатлар, ўлкалар ва уларнинг бюджетлари мавжуд бўлади.

Шундан келиб чиқиб, солиқ сиёсати молиявий сиёсатни амалга оширишнинг асосий инструменти сифатида намоён бўлади. Мустақил молиявий сиёсатни солиқ сиёсати орқали шакллантириш концепциясида қуйидаги устувор вазифалар белгиланади:

- республика бюджет тизимини мустаҳкамлаш;
- бюджет даромадларини барқарор тўлдириш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг амалий фаоллигини рағбатлантириш.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги билан бевосита боғлиқ. Чунки давлат бюджети даромадларида асосий улушни эгалловчи солиқ тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ келиб тушиши субъектлар фаолиятининг барқарорлигига чамбарчас боғланган.

Фикримизча, молиявий барқарорлик хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажариш ва ташқи иқтисодий зарбаларга чидамли бўлиш қобилиятидир.

Иқтисодий назарияда солиқларнинг хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигига таъсири турли ёндашувлар орқали изоҳланади:

1. Кейнсиан йўналиш — солиқлар талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқариш ҳажминини ва субъектлар даромадини оширади.

2. Неоклассик йўналиш — солиқ юки минимал даражада бўлиши лозим, акс ҳолда бозор самарадорлиги пасаяди.

3. Институционал ёндашув — шаффоф, барқарор ва адолатли солиқ тизими молиявий интизомни мустаҳкамлаб, барқарор ривожланишга хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили

Тарихий манбаларга мурожаат қилинганда, солиқлар ва молиявий барқарорлик ўртасидаги боғлиқлик қадимги давлатларданоқ маълум бўлган. Масалан, қадимги Ҳиндистон ва Хитойда (милоддан аввалги IV–III асрлар) солиқлар ер ҳосилдорлигига мутаносиб белгиланиб, янги ерларни ўзлаштирган хўжаликларга солиқ имтиёзлари берилган.

Классик молия назариясида солиқлар давлат хазинасини шакллантирувчи асосий манба сифатида талқин қилинади. Адам Смит солиқларнинг адолатли, аниқ ва иқтисодий самарали бўлишини иқтисодий ўсиш шарти сифатида кўрсатган. Кейинчалик солиқларни оптималлаштириш “ижтимоий қурбонликнинг максимал принципи” орқали асослаб берилди.

Неоклассик ёндашувда эса солиқлар хусусий сектор инвестиция қарорларига таъсир этувчи омил сифатида қаралади. Бу ерда солиқ юкининг ортиши инвестиция фаоллигини пасайтириши мумкинлиги таъкидланади.

Замонавий иқтисодий қарашларда (Жон Мейнард Кейнс, Артур Лаффер, Милтон Фридман) солиқлар регулятив, стимулятив ва дистрибутив функциялар орқали молиявий барқарорликни таъминлаш воситаси сифатида талқин қилинади. Лаффер эгри чизигига кўра, солиқ ставкалари меъёрдан ошганда иқтисодий фаоллик пасаяди ва бюджет даромадлари қисқаради.

Таҳлил ва натижалар

Солиқларнинг асосий элементлари — солиқ объекти, солиқ базаси, ставка ва имтиёзлар — хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Солиқ имтиёзлари, дифференцияланган ставкалар ва солиқ режалаштириш механизмлари субъектларнинг рентабеллиги ва инвестиция салоҳиятини оширади.

Ўзбекистон амалиётида солиқ юкининг босқичма-босқич камайтирилиши ва имтиёзлар жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Шунингдек, давлат бюджетига ушбу солиқ туридан тушумлар ҳам кўпайган. Буни 1-расмда кўриш мумкин.



1-расм. Ўзбекистонда фойда солиғи ставкаси ва бюджетга тушумлар динамикаси¹

1-расм маълумотларига кўра, фойда солиғи ставкаси пасайишига қарамасдан, бюджет тушумларининг изчил ўсиб борганини кўрсатади. Хулоса ўрнида, ушбу ҳолат солиқ юкининг оптималлашуви натижасида солиқ базасининг кенгайиши билан изоҳланади ва Лаффер назариясининг амалий тасдиғини кўрсатади.

2-жадвал

Солиқ имтиёзлари ва инвестиция фаоллиги ўртасидаги боғлиқлик²

¹ Муаллиф ҳисоб-китоби (ЎР Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида).

² Муаллиф ҳисоб-китоби (ЎР Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида).

Кўрсаткич	2019 й.	2021 й.	2023 й.	2024 й.
Асосий капиталга инвестициялар (трлн сўм)	189	239	352	412
Солиқ имтиёзлари улуши (%)	4,8	6,2	7,1	7,6
Фаол корхоналар сони (минг)	462	502	548	576

2-жадвалга кўра, йилларда солиқ имтиёзлари улушининг ошиши инвестиция ҳажмларининг жадал ўсиши билан бирга кузатилмоқда. Бу эса солиқ рағбатлантириш механизмларининг хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция

Бизнингча, таҳлилларга таянилган ҳолда олинган натижалар қуйидагиларни илмий жиҳатдан асослаш имконини беради:

– солиқ ставкаларининг пасайтирилиши солиқ тушумларининг қисқаришига эмас, балки уларнинг барқарор ўсишига олиб келмоқда;

– солиқ имтиёзлари инвестиция фаоллигини рағбатлантириб, фаол хўжалик субъектлари сонини оширмоқда;

– молиявий барқарор субъектлар сонининг ортиши давлат бюджети даромадларининг узоқ муддатли барқарорлигини таъминламоқда.

Мазкур ҳолат солиқ сиёсати ва молиявий барқарорлик ўртасида ижобий функционал боғлиқлик мавжудлиги билан изоҳланади.

Хулоса

Илмий таҳлиллар асосида хулдоса қиладиган бўлсак, солиқлар хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигига икки томонлама таъсир кўрсатади: ортиқча солиқ юки иқтисодий таназзулга олиб келади, оптимал солиқ сиёсати эса инвестиция фаоллигини рағбатлантириб, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди. Шу боис солиқ сиёсатида давлат манфаатлари билан хўжалик субъектлари барқарорлиги ўртасида мувозанатни таъминлаш устувор вазифа ҳисобланади.

Адабиётлар рўйхати

1. Smith A. *An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations*. London, 1776.
2. Ibn Khaldun. *Al-Muqaddimah*. Princeton University Press, 1967.
3. Keynes J.M. *The General Theory of Employment, Interest and Money*. London, 1936.
4. Friedman M. *Capitalism and Freedom*. Chicago, 1962.
5. Laffer A. *The Laffer Curve*. Heritage Foundation, 2004.
6. Besley T., Brigham E. *Public Finance*. Oxford University Press, 2016.
7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент, 2019.
8. ЎР Давлат солиқ қўмитаси. Расмий статистик маълумотлар, 2019–2023.